

## ИХТИРОГА НИСБАТАН МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

**Вахобжонов Дилмурод Дилшодбек угли**

**Одил судлов академияси мустақил изланувчиси**

**[vaxobjonovdilmurod87@gmail.com](mailto:vaxobjonovdilmurod87@gmail.com)**

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.18994696>**

**Аннотация:** Мақолада ихтирога нисбатан мулкый ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари таҳлил қилинган. Хусусан, патент ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари, лицензия муносабатларини тартибга солишдаги камчиликлар ҳамда ҳуқуқбузарликни аниқлаш ва исботлаш билан боғлиқ қийинчиликлар ёритилган. Шунингдек, сунъий интеллект технологиялари ривожини шароитида ихтироларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилган. Мақолада хорижий тажриба, жумладан патент троллингига қарши курашиш механизмлари таҳлил қилиниб, уларни миллий ҳуқуқий тизимга мослаштириш имкониятлари асослаб берилган. Тадқиқот натижасида патент ҳуқуқидан виждонсиз фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш, патент даъволарини дастлабки экспертизадан ўтказиш ва процессуал жавобгарлик механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** ихтиро, патент ҳуқуқи, мулкый ҳуқуқлар, интеллектуал мулк, патент троллинг, сунъий интеллект, инновация, ҳуқуқий муҳофаза.

### **Аннотация**

В статье анализируются актуальные проблемы защиты имущественных прав на изобретения. Рассматриваются вопросы нарушения патентных прав, недостатки регулирования лицензионных отношений, а также трудности выявления и доказывания правонарушений. Особое внимание уделяется проблемам правовой охраны изобретений в условиях развития технологий искусственного интеллекта. В статье также исследуется зарубежный опыт противодействия патентному троллингу и возможности его адаптации в национальной правовой системе. По результатам исследования предложены научно обоснованные меры, направленные на предотвращение злоупотребления патентными правами, введение механизма предварительной экспертизы патентных исков и совершенствование процессуальной ответственности за недобросовестные требования.

**Ключевые слова:** изобретение, патентное право, имущественные права, интеллектуальная собственность, патентный троллинг, искусственный интеллект, инновации, правовая защита.

### **Abstract**

The article analyzes the key challenges related to the protection of property rights to inventions. Particular attention is given to patent infringement, shortcomings in the regulation of licensing relations, and difficulties in identifying and proving violations of patent rights. The study also examines legal protection issues arising from the rapid development of artificial intelligence technologies. In addition, the article explores international experience in combating patent trolling and the possibilities of adapting such mechanisms to the national legal system. The research proposes several measures aimed at preventing the abuse of patent rights, introducing a preliminary expert review of patent claims, and strengthening procedural liability for bad-faith patent litigation.

**Keywords:** invention, patent law, property rights, intellectual property, patent trolling, artificial intelligence, innovation, legal protection.

Ихтиролар интеллектуал фаолият натижаси сифатида иқтисодий қийматга эга бўлган объектлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ихтирога нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар ихтиро эгасига мазкур объектдан фойдаланиш, уни ишлаб чиқаришга жорий этиш, лицензия бериш ҳамда бошқа шахсларга ўтказиш каби ҳуқуқий имкониятларни тақдим этади. Бундай ҳуқуқлар, аввало, ихтиро эгасининг иқтисодий манфаатларини таъминлашга, шунингдек инновацион фаолиятни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Бироқ амалиётда ихтирога нисбатан мулкӣ ҳуқуқларни амалга ошириш ва уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, ихтиролардан рухсатсиз фойдаланиш, патент ҳуқуқларининг бузилиши, лицензия муносабатларининг етарли даражада тартибга солинмаганлиги ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва исботлаш билан боғлиқ қийинчиликлар мазкур соҳадаги асосий муаммолар қаторига киради. Айниқса, технологиялар тез суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги шароитда ихтиролардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш ва ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида рақамли технологиялар ва инновацион иқтисодиётни ривожлантириш давлат сиёсати устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, уларни иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўллаш ҳамда рақамли трансформация жараёнларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур ҳужжатларда сунъий интеллектни ривожлантириш, унинг илмий-тадқиқот салоҳиятини ошириш ва амалиётга татбиқ этиш орқали мамлакатнинг инновацион салоҳиятини мустаҳкамлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Канада, Хитой, Дания, Финляндия, Франция, Ҳиндистон, Италия, Япония, Мексика, Сингапур, Швеция, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея ва АҚШ каби давлатларда сунъий интеллектни ривожлантиришга қаратилган миллий стратегиялар ишлаб чиқилгандан ҳамда Европа Иттифоқи даражасида тегишли надмиллий стратегия шакллантирилгандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4996-сон қарорида сунъий интеллект технологияларини давлат бошқаруви, саноат, тиббиёт, таълим ҳамда ахборот-коммуникация соҳаларида босқичма-босқич жорий этиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган<sup>1</sup>. Мазкур қарор рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, илмий-техник инновацияларни рағбатлантириш ҳамда интеллектуал фаолият натижаларини амалиётга жорий этиш учун ҳуқуқий ва институционал асосларни шакллантиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, сунъий интеллект асосида яратилаётган янги техник ечимлар ва технологик ишланмалар патент ҳуқуқи соҳасида қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, сунъий интеллект ёрдамида яратилган ихтироларнинг ҳуқуқий

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 07/21/4996/0127-сон

мақоми, бундай натижаларга нисбатан патент ҳуқуқининг субъектлари ким бўлиши, шунингдек, уларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартибини аниқ белгилаш масалалари ҳозирги кунда илмӣ-ҳуқуқӣ муҳокамалар марказида турибди. Бу ҳолат интеллектуал мулк ҳуқуқи тизимини замонавӣ технологиялар ривожӣ талабларига мос равишда такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Адабиётларда сунъӣй интеллектга қуйидагича таъриф берилади: у муайян вазифаларни бажариш жараёнида инсоннинг когнитив (ақлий) функцияларини тақлид қилиш ҳамда натижалари инсон интеллектуал фаолияти натижалари билан камида тенг даражада бўлган натижаларни олиш имконини берадиган технологик ечимлар мажмуасидир<sup>2</sup>.

АҚШ судларида кўриб чиқиладиган барча низоларнинг катта қисми патент низоларига тўғри келади. Айрим эмпирик тадқиқотларга кўра, АҚШдаги патент ишларининг катта қисми патент троллари фаолияти билан боғлиқ. Масалан, RPX Corporation маълумотларига кўра, 2015 йилда АҚШдаги барча патент ишларининг 69,4 фоизи айнан патент троллари томонидан кўзғатилган<sup>3</sup>. Бундай ишлар бўйича жавобгар томонлар томонидан юридик хизматлар учун сарфланадиган маблағлар ҳозирги кунда ўнлаб миллиард долларга тенглашмоқда. Ҳар бир патент низосида иштирок этаётган жавобгар суд жараёни давомида юристлар хизматлари учун юз минглаб, баъзан эса миллионлаб доллар маблағ сарфлашга мажбур бўлади.

АҚШда патент троллингига қарши курашда фаол иштирок этган шахслардан бири Марк Херринг ҳисобланади. У 2014 йилда мазкур муаммо қонунчилик даражасида тартибга солиниши зарурлигини англаб, Вирджиния штати Статутига (Va Code) патент троллингига қарши курашга қаратилган янги нормаларни киритиш ташаббусини илгари сурган<sup>4</sup>. Ушбу норматив қоидаларда ҳалол ихтирочига юборилган талабнома хатда даъво қилинаётган патент ҳақида асосий маълумотлар (масалан, патент рақами, берилган санаси ва бошқалар) келтирилмаган бўлса, талаб юборган шахс даъвони юборишдан олдин эҳтимолий ҳуқуқбузар маҳсулоти ҳақиқатан ҳам мазкур патент доирасига кириш-кирмаслигини етарлича таҳлил қилмаган бўлса<sup>5</sup> аниқлаш мумкин.

Хитой судлари томонидан белгиланадиган товон миқдори нисбатан паст бўлгани сабабли ушбу мамлакатда патент троллари деярли учрамайди, деган қарашлар мавжуд эди<sup>6</sup>. Бироқ кейинги йилларда Хитой патент тизимининг ҳуқуқ эгаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилгани бу фикрларга муайян даражада шубҳа уйғотди. Айрим тадқиқотлар Хитойда патент эгалари ҳуқуқбузарлик бўйича суд ишларида ҳам, патентни бекор қилиш (invalidatsiya) жараёнларида ҳам АҚШ ва Германия каби давлатлар билан солиштирганда анча юқори муваффақиятга эга эканлигини кўрсатади. Шунингдек, Хитой амалиётида доимий тақиқлов чораси (permanent injunction) деярли автоматик тарзда қўлланилади. Бу эса патент тролларига эҳтимолий ҳуқуқбузарлар

<sup>2</sup> Любимов А. П., Пономарева Д. В., Барабашев А. Г. О национальной стратегии по развитию искусственного интеллекта // Представительная власть — XXI век. 2019. № 5—6. С. 22—29.

<sup>3</sup> Renjun Bian. Patent trolls in China: Some empirical data, Computer Law & Security Review, Volume 40, 2021, 105517, ISSN 2212-473X, <https://doi.org/10.1016/j.clsr.2020.105517>.

<sup>4</sup> Attorney General Herring's Patent Troll Unit (official site). URL: <https://www.oag.state.va.us/index.php/patents>

<sup>5</sup> Virginia Law. URL: <https://law.lis.virginia.gov/vacodefull/title59.1/chapter18.1>

<sup>6</sup> Zhang M. J. *Patent Litigation and Patent Trolls in China*. — Houston Law Review, 2019.

билан музокаралар олиб бориш жараёнида кучли ҳуқуқий восита сифатида хизмат қилиши мумкин.

А.Г.Барабаш ва Д.В.Пономареваларнинг фикрича, АҚШ ҳуқуқни қўллаш амалиёти ихтироларни патент орқали ҳимоя қилишга оид қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида эътиборга олиниши мумкин. Бу, айниқса, сунъий интеллект тизимлари ёрдамида яратилган ихтироларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Тўртинчи саноат инқилоби шароитида виждонсиз ҳуқуқ эгаларига қарши курашиш масаласи интеллектуал мулк соҳасидаги энг долзарб муаммолардан бирига айланмоқда<sup>7</sup>.

А.Г.Барабаш ва Д.В.Пономареваларнинг фикрлари интеллектуал мулк ҳуқуқини такомиллаштириш жараёнида хорижий ҳуқуқни қўллаш амалиётидан фойдаланишнинг аҳамиятини кўрсатади. Бироқ бундай ёндашувни миллий ҳуқуқий тизимга тўлиқ ва механик тарзда кўчириш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий тизими, иқтисодий шароити ва инновацион муҳити ўзига хос хусусиятларга эга. Шу сабабли патент троллингига қарши курашиш масаласида Ўзбекистон учун энг мақбул йўл — халқаро тажрибани миллий ҳуқуқий тизимнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мослаштиришдан иборат бўлиши лозим.

Ўзбекистонда патент ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий норматив асослар “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонун, шунингдек фуқаролик қонунчилиги нормалари орқали тартибга солинади. Шу билан бирга, амалда патент ҳуқуқидан виждонсиз фойдаланиш, яъни патент ҳуқуқини иқтисодий босим воситаси сифатида қўллаш ҳолатлари келгусида юзага келиши эҳтимоли мавжуд. Бу эса ҳуқуқий механизмларни олдиндан такомиллаштиришни талаб қилади. Бунда патент троллингига қарши курашиш фақат жазо чоралари орқали эмас, балки ҳуқуқий профилактика ва институционал механизмлар орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, патент ҳуқуқидан суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонунга патент ҳуқуқидан виждонсиз фойдаланиш (патент троллинги) тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқ.

Бу нормада қуйидаги ҳолатлар ҳуқуқдан суиистеъмол қилиш сифатида баҳоланиши мумкин:

патентдан реал ишлаб чиқариш ёки технологияда фойдаланмасдан, фақат суд даъволари орқали фойда олиш мақсадида қўллаш;

патент бузилиши ҳақида асоссиз талабномалар юбориш;

рақобатчиларга иқтисодий босим ўтказиш мақсадида патент ҳуқуқидан фойдаланиш.

Бундай ҳуқуқий аниқлик судларга патент троллинги ҳолатларини ҳуқуқдан суиистеъмол қилиш сифатида баҳолаш имконини беради.

---

<sup>7</sup> Барабашев А. Г., Пономарева Д. В. Патентный троллинг и правовое регулирование искусственного интеллекта (на примере опыта соединенных штатов америки) // Вестник Университета имени О. Е. Кутафина. 2021. №1 (77). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/patentnyy-trolling-i-pravovoe-regulirovanie-iskusstvennogo-intellekta-na-primere-opyta-soedinennyh-shtatov-ameriki>

Патент даъволарининг асослилигини дастлабки экспертиза қилиш механизмини жорий этиш

Асоссиз патент даъволарини камайтириш мақсадида патент бузилиши ҳақидаги даъволар бўйича дастлабки техник-эксперт текширув (preliminary expert review) механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Бунда:

даъвогар эҳтимолий ҳуқуқбузар маҳсулоти билан патент формуласи ўртасидаги техник ўхшашликни асослаб бериши;

патентнинг амалий қўлланилиши ёки технологик аҳамиятини кўрсатиши;

патент талаблари аниқ қайси элементлар бўйича бузилгани далиллар билан тасдиқланиши лозим.

Виждонсиз патент даъволари учун процессуал жавобгарлик механизмларини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Патент троллингига қарши самарали чоралардан бири — инсофсизларнинг даъволари учун процессуал иқтисодий жавобгарликни жорий этишдир.